ЎзССР Давлат китоб палатасининг Ишончнома ... 29 08 94

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 18 август, пайшанба № 130 (21.734). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 август куни француз тилида чоп этиладиган оммавий нашрлардан бири «Пари матч» журнали мухбирлари Катрин Брасс ва Риккардо Корриасни уларнинг илтимосига кўра қабул қилди.

Мухбирлар суҳбат чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилаётган алоқалар, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада тинчликни қарор топтириш ва иқтисодий интеграцияни кучайтириш борасидаги сиёсати билан қизиқишди. Президент мухбирларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Маълумки, «Пари матч» журналининг Европа нашри 25 мамлакатга тарқатилади ва 2 миллиондан ошиқ ўқувчиси бор. Журнал мухбирлари мамлакатимизнинг бугунги куни тўғрисида туркум мақолалар тайёрлашди. Мазкур мақолаларни журналнинг шу йил сентябрь сонида чоп этиш мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

ЭЛЧИХОНАДА УЧРАШУВ

17 август куни Украина Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбир 24 август куни Украина мустақиллигининг уч йиллиги нишонланиши муносабати билан ўтказилди. Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Сметанин журналистларга эгамен давлатнинг бугунги ички ва ташқи сиёсати, Ўзбекистон билан иқтисодий ва маданий алоқаларнинг янги, амалий асосда ривожланаётгани, халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ҳақида сўзлади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. ҚОРАБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Муҳаммаджон Қорабоев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 август

• *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА*



Маълумки, мустақиллик ўзбекнинг жаҳонга чиқишига ва жаҳон ҳам унга нигоҳ солишига кенг йўл очди. Фикримизнинг далили сифатида юзлаб чет эл фирмалари, қўшма корхоналарининг Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётганини тилга олишимиз мумкин. Кореянинг ДЭУ корпорацияси билан ҳамкорликда қурилаётган Асака автомобиль заводи шубҳасиз, Ўзбекистоннинг келажагида катта роль ўйнайди.

Йилига 160 минг дона енгил автомобиль ишлаб чиқаралиган бу ягона завод ишга тушгач, республикамиз аҳолисининг енгил автомобилга бўлган эҳтиёжини тўла қоплайди. Айни пайтда эса бу ерда улкан қурилиш ишлари олиб борилаётир. Қурилишнинг умумий майдони 53,41 гектарни ташкил этса, бино иншоотлари майдони 18 гектарни эгаллайди. Ҳозир вилоятдаги еттита қурилиш тресті жадал суръатларда иш олиб бораяпти. Завод ишга тушгач, 4 мингга яқин киши иш билан таъминланиши кўзда тутилаётир.

СУРАТДА: мудҳандис Мадаминжон Раҳимов ҳамкасблари билан янги режалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ИСТИҚЛОЛ МАВЗУИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Балиқчиликлар мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллик байрамига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Туманнинг қатор хўжаликларига улуғ айём арафасида «Зангори олов» кириб борди. Умумий ҳажми 260 километрлик бу газ қувурининг ишга туширилиши эвазига «Пахтакор», «Навоий», «Шерали чек» жамоа хўжаликлари, «Бўстон» ширкатлар уюшмасидаги 5,5 минг хонадонда энди гўзапоя, ўтин ўрнига газ ёқиладиган бўлди. Байрам боис тумандаги шарт-шароитлар янада яхшиланиб бормоқда. Ишга туширилаётган юбилей иншоотлари аҳолининг бебаҳо бойлигига айланяпти.

Байрамни туман ички ишлари бўлими ходимлари янги жойда нишонлайдилар. Улар учун қисқа фурсатда маъмурий бино қурилиб, ишга туширилди. Хўжаобод спорт буюмлари фабрикасининг тумандаги филиалида ишлаётган ишчи-хизматчиларнинг кувончи чексиз. Уларнинг фарзандлари учун 90 ўринли янги болалар боғчаси қурилди. Шундай қувончдан ёш оилалар, турар-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлганлар ҳам бебаҳра қолишмайди. Ҳар бири 16 хонадонлик учта янги уйда 48 та оила яқин кунлар ичида уй тўйларини ўтказади. Туманнинг Олимбек ва Балиқчи қишлоқларида яшовчи отахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари истиқлол берган бахтдан беҳад миннатдор бўлишмоқда. Энди улар ўзлари учун иккала қишлоқда қурилган оталар чойхонасида бир-бирлари билан дийдорлашиб, қизғин суҳбатлашиш имконига эга бўлдилар.

Туманнинг ана шундай байрам кайфиятидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги меҳнатчилари ҳузурига яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг тарғибот гуруҳи вакиллари ташриф буюришди. Марказий Кенгаш масъул ходими Улуғбек Ҳайитов етакчилигидаги олим ва ёзувчилардан иборат бу гуруҳ жамоа хўжалиги аъзолари билан юзма-юз учрашиб, мустақиллик мавзуида қизғин суҳбатлар ўтказди. Олимлар ва ёзувчилар билан бўлган қизиқарли суҳбатларда мамлакатимизда уч йил ичида юз берган катта ўзгаришлар, эришилган ютуқлар ўзига хос ифодасини топди. Шундай самарали мулоқот учрашувлари Пойтуг ип-йигирув ўқув фабрикаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясига қарашли Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиали ва Асака туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида ҳам бўлиб ўтди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

РАСМИЙ ТАШРИФ

● ҚОЗОН. Ўтган куни Владислав Ардзинба бошчилигидаги Абхазия давлат делегацияси Татаристон пойтахтига келди.

Абхазия раҳбари ва Татаристон президенти ўзаро учрашув чоғида бир қанча сиёсий ва иқтисодий масалаларни муҳокама қилди.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

● ДЕҲЛИ. Шри-Ланкада парламент сайлови бошланди. Мамлакат фуқаролари 225 ўринли парламентга 196 вакилни сайлаши керак.

40 сиёсий партия ва гуруҳлардан 1400 нафар номзод сайловда бу ўринлар учун курашади. Асосий кураш мамлакатдаги Бирлашган миллий партия ва Халқ иттифоқи партияси ўртасида бўлиши кутилмоқда.

МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРДИ

● БОКУ. Озарбайжонга расмий ташриф буюрган Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий 16 август куни Озарбайжон ташқи ишлар Вазири Ҳасан Ҳасанов билан музокаралар олиб борди.

Куннинг иккинчи ярмида у мамлакат Президенти Ҳайдар Алиев билан учрашди.

КУМИРСИЗ ҚОЛИШАДИ

● ВЛАДИВОСТОК. Шимолий ва Шарқий Чукотка аҳолисининг асосий қисми бу йил қишни кўмирсиз ўтказадиган кўринади.

Чунки, мавсум бўйи бу ерга бор-йўғи 45 минг тонна кўмир келтирилди. Бу эҳтиёждан анча камдир. Шимолликлар Узоқ Шарқ денгиз флотидан 40 миллиард рубл қарздорлиги сабабли кўмир ташиб келтириш қийин кечмоқда.

ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУР

● СЕУЛ. Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам Чхунчхон вилоятида мустақиллик ёдгорлиги очилиши маросимида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш икки Корея давлати ўртасидаги муносабатларни яхшилашда дастлабки қадам бўлиши кераклигини айтди.

У КХДРни 1992 йилда имзоланган «Яраш ва ҳамкорлик битими»га амал қилишга ва ядро дастуридан батамом воз кечишга чақирди.

ИҚТИСОДИЙ ЧОРА БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН

● НЬЮ-ЙОРК. «Жорнэл Оф Комерс Энд Комэршл» газетасининг хабар беришича, агар Бағдод оммавий қирғин қуроли яратиш борасида ишларини давом эттирмаса, АҚШ 1995 йил апрель ойида Ироққа қарши қўлланилган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиши мумкин.

«ОДДИЙ МАРИЯ» «МММ»ДАН НОРОЗИ

● МЕХИКО. Таниқли Мексика актрисаси Виктория Руффо Нотимекс агентлиги мухбири билан суҳбатда ўзи суратга тушган теленовелла «Оддий Мария»дан «халқни алдаш учун фойдаланаётган» «МММ» пайчилар уюшмасини судга бериш ниятидалигини айтди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

БАЙРАМ ШУКУҲИ

16 август куни Тошкент шаҳрини ободонлаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш мавзусига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, «Экосан», «Маҳалла» жамғармаларининг фаоллари, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши билан ҳамкорликда республика мустақиллигининг уч йиллигини намунали ўтказиш юзасидан алоҳида тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди. Унга кўра вилоятда истиқлол байрами чинакам шодиёнага айланади.

Ҳозирдаёқ Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида байрамга тараддуд қизғин бошлаб юборилди. Бу шаҳарларга келган партия фаоллари, тарғиботчи ва ташвиқотчилар, маданият ходимлари халқ орасида бўлиб, ЎзХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси, маданият ва маънавият, қайта тикланган қадриятлар хусусида қизиқарли суҳбатлар олиб боришяпти.

Қувончлиси шундаки, вилоят марказидан анча олиода жойлашган Томди, Конимех туманларида, шунингдек, Қизилқум сарҳадларидаги ўтов ва овулларда ҳам мустақиллик байрами шукуҳи ёркин намоён бўлмоқда. Айниқса, қоракўлчилар, туя ва йилқибоқарларнинг қувончлари чексиз. Истиқлол байрами олдидан уларга намунали савдо тиббий ва маданий хизмат кўрсатилмоқда. Нафақат чорва аҳли, балки вилоят саноат корхоналари ишчилари — нурчилар, кимёгарлар, олтинтопарлар ҳам истиқлол берган ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётирлар. Энг муҳими, бевабечора, етим-есир ва қаровчисини йўқотганларга меҳр-мурувват кўрсатилаётир. Байрам комиссияси аъзоларидан иборат гуруҳлар ҳозирнинг ўзидаёқ ногиронлар, касалмандлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга турли совға-саломлар улашяпти. Бу сингари хайр-эҳсон тадбирлари байрам кунлари янада қизитиб юборилади.

Дарҳақиқат, кенжа вилоят марказий хиёбонлари, кўчалари бугун байрам руҳида. Мустақилликни, келажаги буюк давлат Ўзбекистонни мадҳ этувчи шиорлар, турли кўргазмалар кўзни қамаштиради. Айниқса, «Ширин», «Фарҳод», «Наврўз» маданият саройларидаги тайёргарликлар, байрамолди кўрик-танловлари, санъат дасталарининг чиқишлари Навоийда байрам руҳини ёймоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАРЧАНИНГ ИШИ

Республика мустақиллигининг уч йиллик байрами арафасида пойтахт кўчаларини, хиёбонлар, маҳалла ва мавзеларни сариштa қилиш, уларга байрамона кўрк бағишлаш борасидаги ишлар қандай бораётгани муҳокама этилди.

Йиғилишни бошқарган республика Вазирлар Маҳкамаси бўлими мудири Юсуфжон Шодиметов ва бошқалар пойтахтни ободонлаштириш ва унинг тозалигини сақлаш жамоатчиликнинг муҳим ишига айланиши лозимлигини таъкидладилар. Истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

МИНГБУЛОҚДА ИШ ҚИЗҒИН



● Мингбулоқ нефть конида бўлмаган киши бу ердаги иш кўламини тасаввур қилиши қийин. Ер қаъридан бебаҳо бойлик қазиб олишга бел боғлаган одамлар иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай туну кун меҳнат билан банд.

Мингбулоқликларнинг республика ёнилғи мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишига бутун мамлакат кўз тикиб турганлиги уларнинг кучига-куч қўшмоқда. Ишнинг муваффақият билан якунланишига уларнинг ишончи комил. Кончилар Мустақиллик байрами арафасида халққа янги-янги меҳнат муваффақиятларини ҳадя этиш ниятида. Конда ҳозир қандай ишлар бажарилмоқда, байрамни кутиб олишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Бу саволларга «Мингбулоқнефть» давлат корхонаси директори Абдулҳамид УМАРОВ шундай жавоб беради:

— Ўзингиз биласизки, 12 июнь куни Мингбулоқдаги қудуқлардан бири саноат нефти бера бошлади. Шу муносабат билан республикамиз Президенти Ислом Каримов бизга табрикнома йўлладилар. Президентимизнинг яқиндаги Фармони билан конни ўзлаштираётган мутахассислар, ишчиларнинг катта бир гуруҳига юксак ҳукумат мукофотлари берилди. Буларнинг барчаси улкан, аҳил жамоамизнинг кайфиятига, бинобарин ишига ҳам таъсир қилмасдан қолгани йўқ, албатта. Мингбулоқ нефтчилари ҳар доимгидай ғайрат билан, байрам арафасидаги шу кунларда эса, алоҳида кўтаринки кайфиятда меҳнат қилишмоқда.

Ҳозир нефть чиққан қудуқни саноат учун ўзлаштириш ишлари кетмоқда. Нефть дастлабки ишловдан кейин қудуқ ёнида махсус жиҳозланган пунктга келиб тушади, кейин 12 километрлик қувур орқали Оқтош бекатига, бу ердан темир йўл транспортига юкланиб, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилади.

Кондаги бошқа қудуқларни ўзлаштириш ҳам тез суръатда бормоқда. Нефтчилар йил охиригача яна бир қудуқни ишга туширишмоқчи. Иш вахта усулида ташкил этилган. Қазув ишларини Қўқон бурғилаш ишлари бошқармаси мутахассислари бажармоқда. Конни ўзлаштиришда бизга россиялик ҳамкасбларимиз — Волгограддаги «Низневолжскнефть» бирлашмасининг Камишин чуқур бурғилаш экспедицияси ходимлари ҳам катта ёрдам кўрсатишмоқда. Яқин кунларда мингбулоқлик нефтчилардан ташкил топган яна бир бурғилаш бригадаси сафимизга қўшилади.

Фаолиятимиз қудуқ қазиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Кейинги бир йил ичида бу ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Нефтчиларнинг дастлаб бир неча вагондан иборат вақтинча лагери ҳозир каттагина шаҳарчага айланган, ётоқхона, ошхона, чойхона, ҳаммом қурилган. Қудуқлар яқинидаги вахта турар жойларини ободонлаштириш ишлари ҳам қизғин.

Энг яхши курорт зонаси сифатида танилган машҳур Чортоқ шаҳрида нефтчилар ва уларнинг оилалари учун турар жойлар қурилмоқда. Ҳозир ўнта коттеж ҳамда 48 хонадонлик уй қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бундан ташқари, яқин ўртада санаторий-профилакторий, болалар боғчаси, яна ўнта коттеж, автобаза ҳамда бошқа бир қанча ишлаб чиқариш бинолари қурилиши бошланади.

Қурилиш учун Чортоқ иқлими, об-ҳавоси туфайлигина танланмаган. Туман ҳудудида яна иккита қудуқ қазилмоқда. Уларнинг бирида бурғилаш ишлари ниҳоясига етай деб қолган. Демак, бу ердаги қурилиш ишлари келажакни кўзлаб қилинмоқда.

Аммо, афсуски, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Бурғи суюқлиги учун зарур бўлган барит етарли даражада келтириб турилганида эди, ишларимиз суръати ҳозиргидан анча баланд бўларди. Бурғи станокларининг етишмаслиги ҳам ишнинг белига тепмоқда. Буларнинг барчаси бажарилмайдиган ишлар эмас, аммо қанча тез бўлса — шунча соз бўлар эди.

Мингбулоқликларнинг бошқа вазифалари республикамиз аҳолисининг юмушлари билан ўхшаш, яъни белгиланган режаларни тез ҳамда соз бажаришдан иборат. Меҳнатда юксак натижаларга эришсак — байрамга қиладиган асосий совғамиз ана шу бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтишим лозимки, Мингбулоқ нефтчилари байрам куни ҳам ишлашади. Биз бундан нолимаймиз: ишимиз шуни тақозо этади!

ЎзА мухбири
Н. ХУЖАЕВА ёзиб олди.

ҒАЛАМИСЛИКНИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИ

Чеченистондаги танг вазият снёсий арбоблар ва журналистларнинг диққат марказида турибди. Улар Грозний-даги ҳозирги можаро хунрезликка айланиши хавфи туғилганидан жиддий ташвишланмоқдалар.

Чеченистондаги можаро ҳақидаги ахборотлар орасида «Независимая газета»нинг 11 август сонида босилган хабар диққатни жалб этди. Бу хабар муаллифи «Шимолий Кавказ Республикаларидан, Ўзбекистон ва Кавказ ортидан Грознийга вакиллар келмоқда», «Ўзбекистон делегацияси эса, маъмурларнинг Чеченистон ҳимоячиларини қуроллантириш эҳтиёжларини аниқламоқда...», деб таъкидлайди.

Аниқ манбаалардан маълум бўлишича, шоир Салай Мадаминов (адабий тахаллуси — Муҳаммад Солиҳ) Чеченистонда ўзбек халқи номидан гапириш ва аҳлга сиғмайдиган беҳуда ваъдалар беришга ҳаққим бор деб ўйлаб, қаламкаш ҳамкасби — Чеченистон вице-президенти иккови Чеченистоннинг ҳозирги раҳбари билан учрашиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилган экан. У Чеченистон Президенти билан учраша олмади, бироқ Грознийдаги мусулмон биродарларга ёрдам бериш тўғрисида ваъдани қуюқ қилди.

Муҳаммад Солиҳ бу билан нима қилмоқчи экани қоронғи. Кучини, таъсирини ва обрўсини кўрсатмоқчими? У бу ишни нега ўз юрти — Ўзбекистонда эмас, ундан анча олисда, бунинг устига, шу қадар шубҳали тарзда қиляпти? Эҳтимол, Муҳаммад Солиҳ ҳамма нарса тўғрисида жон куйдирадиган арбоблар қаторига қўшилишни истаётгандир? Бунқ, яхшиси, унинг ўзидан, собиқ «Эрк» партиясининг собиқ раҳбаридан сўраш керак.

Шуниси равшанки, бундай фаолият очиқдан-очиқ иғвогарлик ва ғаламислик бўлиб, Муҳаммад Солиҳнинг бу ҳаракатлари ҳам Ўзбекистонга, ҳам Россияга қарши қаратилган. Россия ўз хонадонида ўзи тартиб ўрнатишга қодир давлат эканини унутмаслик лозим.

• *«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

«СУБУТСИЗ ШАРТНОМА КИМГА КЕРАК?»

Газетамизнинг шу йил 26 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола эълон қилинганди. Унда Фарғона вилоятидаги Қувасой шиша идишлар заводи буюртмачиларга шартнома бўйича маҳсулот етказиб бермаётганлиги оқибатида консерва заводлари, хусусан Нукус мева-сабзавот консерва заводи иши юришмаётгани танқид қилинган эди. Яқинда ана шу танқид юзасидан НУКУС МЕВА-САБЗАВОТ КОНСЕРВА ЗАВОДИ директори О. ИБАДУЛЛАЕВдан расмий жавоб олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

— Мақола завод маъмурияти томонидан муҳокама қилинди. Дарҳақиқат, жамоамиз Қувасой шиша идишлар заводи билан шартнома тузган. Унга кўра фарғоналиклар бизга турли ҳажмдаги шиша банкалар, биз эса зарур хом ашёни етказиб беришимиз кўзда тутилганди.

Биз Қувасой шиша идишлар заводига керакли бўладиган натрий сульфат учун 1 июнгача Туркманистон Республикасидаги «Қорабўғозсульфат» бирлашмасига 500 минг манат ўтказишимиз керак эди. Лекин шу пулни ўз вақтида топиб, ўтказа олмаганимиз учун йилнинг биринчи ярмида оладиган шиша банкаларни ололмадик.

6 июлда Қувасой шиша идишлар заводига 550 минг сўм ўтказдик. Шундан кейин 26 июль, яъни газетада мақола чиққан кунга қадар 11124 дона 3 литрлик, 160 минг дона 1 литрлик банка келди. Қувасойликлар 1 сентябргача шартномада кўрсатилган 1 миллион 200 минг дона банкани етказиб беришни ваъда қилишди. Нукус мева-сабзавот консерва заводи ҳозир мавжуд банкаларга дала неъматларини консерва қилишни бошлаб юборди.

КИМНИ ЧАЛҒИТЯПСИЗ!

Биз олинган жавоб билан мақола муаллифи Реймбой Ешимбетовни таништирдик. Унинг айтишича, июль ойида Нукус мева-сабзавот консерва заводида бўлиб, шахсан директор О. Ибадуллаев билан суҳбатлашган. Бошлиқ Қувасой шиша идишлар заводи ўзаро шартнома мажбуриятларини бажармаётгани, идиш йўқлиги туфайли етилган маҳсулотлар қабул қилинмаётгани, натижада исрофгарчилик юз бераётганини айтган. Иложи бўлса, газета орқали ёрдам беришини сўраган.

Аммо жавобдан маълум бўлишича, бош айбдор консерва заводи маъмуриятининг ўзи экан. Аввало улар шартномада белгиланган натрий сульфат учун вақтида пул ўтказмаганлар. Кейинчалик айбларини яшириб, мухбирга қувасойликларни ёмонотлиқ қилиб кўрсатишган.

Ўртоқ О. Ибадуллаев! Республикамиз бозор иқтисоди сари дадил одимламоқда. Энди фақат бировдан талаб қиладиган вақтлар ўтиб кетди. Керакли нарсани олиш учун аввало ўзингиз ваъдангизни вақтида бажаришингизга тўғри келади. Буни унутмаслик керак.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига

БУЛАРНИ АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ ЗИНҲОР, СУЯГИН АЖРАТМОҚ ОСОНМИ ЭТНИНГ?

Мана, уч йилдирки, республикамиз аҳолиси мустақилликка эришиб, ўзининг тақдирига ўзи эгалик қилмоқда. Янги тарих яратмоқда, келажакка катта ишонч билан шаҳдам одим отмоқда. Шу қисқа давр ичида мамлакатимизда улкан сиёсий ўзгаришлар юз берди. Республикамиз ўзининг ҳуқуқий давлат тузилишини мустаҳкамлаб олди. Мустақил мамлакатимизнинг Конституцияси ва нишонлари қабул қилинди.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

УББИНИЁЗ АШИРБЕКОВ,
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ

Мустақиллигимизнинг асосий белгиларидан бири — миллий валюта (сўм)нинг муомалага киритилиши халқимизда Ўзбекистон истиқболига ишонч туғдирди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги ҳам бу ишончимизни мустаҳкамлайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида буюк келажакни кўзлаётган ички ва ташқи сиёсатнинг тўла-тўкис амалга ошаётганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Серқуёш ўлкамизда — Ўзбекистон ҳудудида сиёсий барқарорлик, жамиятимизда тинчлик-осойишталик бўлиб, халқимизнинг ижодий, фидокорона меҳнат қилишига қулай шароитлар яратилгани нурли келажак сари дадил қадамлар ташлашимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат бўлиб мустаҳкамланиши ўз навбатида Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетини мустаҳкамлашда ҳам барча шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Ҳозирги пайтда республикамиз ўзининг Конституцияси, байроғи, туғроси ва мадҳиясига эга бўлди. Бу республикамизнинг сиёсий, иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлаб, низомларни қабул қилишга ва уларнинг амалий ҳаракатига кенг йўл очиб берди.

Шунинг учун ҳам кейинги уч йилда Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор саноат корхоналари вужудга келди. Қурилиш, транспорт, алоқа тармоқлари анча кенгайди. Шу йилнинг ўтган олти ойида 151 миллион 778 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бир миллион 144 минг сўмлик кўп. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва унинг сифатини яхшилашда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштириш катта аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, «Маҳаллий саноат» концернига қарашли корхоналар яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Халқ истеъмоли молларининг янги хилларини ишлаб чиқаришда Хўжайли шаҳридаги «Сўғдиёна» акционерлик жамоаси намуна кўрсатмоқда.

Ўтган ойларда қурилиш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. 142,2 минг квадрат метр турар-жойлар фойдаланишга топширилди. 1528 ўринли мактаб, 100 ўринли шифохона, 375 беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника ишга туширилди. Ҳозир давлат ва жамоа хўжаликларида 431 кичик корхона, цехлар ишлаб турибди. Уларда 3500 дан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Халқ хўжалиги юкларини, йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етказиб қўйишда транспорт ходимлари самарали меҳнат қилмоқдалар. Темир йўлларда, автомашиналарда халқ хўжалиги юкларини ташиш борасида анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан йўловчиларга яхшироқ хизмат кўрсатишнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Тошкент — Нукус, Қўнғирот — Тошкент пассажир поездларидан ташқари, Қўнғирот — Тахиатош — Нукус — Чимбой, Қўнғирот — Хўжайли — Урганч пассажир поездлари қатнаб турибди. Ёзги таътил даврида йўловчиларнинг кўпайганлиги муносабати билан Нукус — Бухоро, Нукус — Самарқанд, Нукус — Тошкент автобуслари қатнови пухта йўлга қўйилди.

Шу кунга келиб, мулкни хусусийлаштириш шаклларини ўзлаштирган меҳнат жамоаларининг сони 2,5 мингдан ошди, уларда 15 мингдан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Айниқса, фермер-деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, жамоа хўжаликларини тузиш кенг кўламда олиб борилмоқда. Уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш миқдори ошиб бормоқда. Бу маҳсулотларни қайта ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, цехлар сони тобора кўпайиб, меҳнатга бўлган қизиқиш кучаймоқда.

Шунингдек, иқтисодиётга чет мамлакатлар сармоясини ва технологиясини олиб келиш бўйича тегишли тадбирлар белгиланди, янги хусусий корхоналарни, савдо нуқталарини тузишга кенг имкониятлар яратилмоқда. Ишбилармонликнинг мустаҳкам асоси яратилмоқда. Ҳозирги пайтда Германия, Франция, Япония, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг ишбилармонлари ҳамкорлик ўрнатиб, бизнинг таклиф ва тавсияларимизни ўрганиш билан бир қаторда уларда бизнинг табиий бойликларимизга бўлган қизиқиш ҳам ортмоқда. Туркиянинг «ЯЗЕКС» корпорацияси билан ҳамкорликда қурилган «КАТЕКС» тўқимачилик комплекси, битиш арафасида турган «ЭЛТЕКС» ва қурилиши энди бошланаётган «ШУМТЕКС» тўқимачилик комплекслари бунинг яққол исботи бўла олади. «КАТЕКС» тўқимачилик комплексининг маҳсулотлари жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнини эгалламоқда. Италия билан «Оролкерамик» қўшма корхонасини қуришга ҳозирлик кўрилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни халқимиз тўла қўллаб-қувватламоқда.

Энг муҳим муаммолардан бири — экологик жиҳатдан оғир бўлган мушкулликни енгиллаштиришда, рўй бераётган қийинчиликларнинг олдини олишда Қорақалпоғистонда бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг бошида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Нукусда бўлиб ўтган учрашуви бу масала бўйича узоқни кўзлайдиган режаларни белгилаб олгани кўпчиликка маълум.

Мустақилликни мустаҳкамлашда халқимизнинг миллий урф-одатлари, қадриятларини тиклаш, асраб-авайлаш ва уларни бойитиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этадики, бу борада катта ишлар қилинмоқда. Тилимизни, динимизни ҳурмат қилишга эришдик. Тарихимизни ўрганишга, ота-боболаримиз меросларини ҳурмат қилишга, инсон меҳнатини, ҳунар-касбини рағбатлантиришга қарашларимиз ўзгарди. Миллатлараро муносабатларни яхшилашга, бир-биримизга бўлган ҳурмат-иззатни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари, ҳозир эса республикамизда мустақилликнинг уч йиллиги олдидан ўтаётган туман, шаҳар кунлари бунинг яққол исботи бўла олади.

Хуллас, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишларига ишончимиз комил.

БАЛАНД ДАРАХТ

Нурафшон қуёшли ўзбек элида,
Гулларга суқланиб, завқланиб
юрдим.
Жаннатдан ҳам аъло гул боғларида,
Баланд бўйли сулув бир дарахт
кўрдим.

У ёқ-бу ёғига ўтиб қарайман,
Узун шохлари етар осмонга.
Баргларин елпиган елдан сўрайман,
Соя соларми, деб кўнглин очганга.

Ерда яшаса ҳам назари кўкда,
Зумрад япроқлари нурли зарварақ.
Тонглардан куч олиб ўсмоқда кўкка,
Қомати келишган бу баланд дарахт.

Ёлисдан ярқираб кўзларга тушган
Ўзбекистондир бу мевали дарахт.
Тинч заминда яшаб, ҳамда тинч ўсган,
Турибди халқининг кунига яраб.

Бойниёз ҚОИПНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номли Қорақалпоғистон Республикаси мукофоти лауреати.

Ўзбек тилига Гулистон МАТЕҚУБОВА ўгирган.

Беруний туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги пахтачиликка ихтисослашган илғор жамоалардан биридир. Агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, юқори ҳосилли ғўза навларини экиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этиш туфайли бу ерда йилдан-йилга мўл ҳосил олиб келинаётир. Айниқса, ижарачи звенолар ҳиссаси катта бўляпти. Ўзларини ернинг ҳақиқий хўжайини деб ҳис қилган деҳқонлар астойдил тер тўкишаётир.

Юсуп Йўлдошев бошчилигидаги оилавий звено аъзолари «Юлдуз» нави экилган майдонларнинг ҳар гектаридан кейинги йилларда мунтазам равишда 40 центнердан ҳосил олиб келмоқда. Тажрибали пахтакорнинг айтишига қараганда, натижа бу йил ҳам аввалгилардан ёмон бўлмайди.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) хўжалик раҳбари Амет Аллашов, ижарачи Нуриддин ва Юсуп Йўлдошевлар.

А. МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

БЎЛИҚ БОШОҚЛАР

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида шоли етиштириш анча кўпайди. Бунга асосан деҳқончилик маданиятини яхшилаб, бободеҳқонларимизнинг илғор тажрибаларига амал қилган ҳолда эришмоқдамиз. Хусусан, ўтган уч йилда шоли тайёрлаш режалари ошириб адо этилди.

Республикамиз шоликорларининг бу йилги режалари яна ҳам баланд. Ўзбекистон мустақиллигининг учинчи йилида жами 215 минг тонна, туманимиз шоликорлари эса камида 40 минг 500 тонна шоли тайёрлашга аҳд қилишган. Усимликни озиқлантириш, пайкалларни ёввойи ўтлардан тозалаш, сувини алмаштириш, яъни агротехник тадбирлар мажмуининг ҳаммасини ўз вақтида, сифатли адо этишда партия аъзолари бошқаларга намуна кўрсатишаётир.

Ҳозир хўжалигимиз ижара ассоциацияси, деб аталади. Бу йилги мажбуриятимиз 10 минг 400 тонна шоли тайёрлашдан иборат. Бригадамиз аъзолари эса 310 гектар майдондан 1240 тонна шоли етиштиришга аҳд қилишган. 22 кишилик жамоамизнинг 7 нафари Ўзбекистон ХДП аъзоси. Уларнинг ҳар бири ўзига бириктирилган ишни намунали бажармоқда. Ғамхўрликка жавобан барча миришкорлар зарбдорчасига тер тўкишяпти. Бунинг самарасини мўл ҳосил тўплаётган шолизордаги бўлиқ бошоқларда кўриш мумкин.

А. ОДИЛОВ,
Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ижара ассоциацияси бўлим бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутати.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Мустақиллик одимлари ишга барака, одамлар турмуш-тирикчилигига фаровонлик бахш этяпти. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун Қорақалпоғистонда барпо этилган қўшма корхона фаолиятига бир назар ташласак...

Корхонанинг бу дарвозасидан хом ашё кирса, нариги дарвозадан тайёр маҳсулотлар чиқаверади. Юртимизда мустақиллик шабадаси эсиб, иш юритиш, бошқариш ва маҳсулотларни тасарруф этиш тизимида катта ўзгаришлар юз бергач, шундай қулайликлар содир бўляпти-ки, буларни бир сўз билан мустақиллик неъматлари дейиш мумкин.

Гап Нукус шаҳридаги корхона ҳақида бораяпти. Уни тўқимачилик қўшма корхонаси дейиш одат бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг чет эл фирма ва корпорацияларининг маблағларини юртимизда қад ростлайдиган корхоналар қурилишига сафарбар этиш юзасидан олиб бораётган ишлари яхши натижалар бермоқда. Туркия ускуналари ва маблағи ҳисобида Нукусда қўшма корхона иш бошлади. Уни ифтихор билан «Катекс» деб аташмоқда.

«Катекс» Қорақалпоғистонда шундай шуҳрат қозондики, унга ҳар куни уч сменада 1500 ишчи-мутахассис қатнамоқда. Қатнамоқда, деганимиз шу қўшма тўқимачилик мажмуи корхоналари — заводлари, фабрикалари шунча одамни ишлик қилди, деганимиз. Корхона маҳсулот бера бошлаганига бир йилдан сал ошди. Жамоанинг нияти — Қорақалпоғистонда етиштирилган пахтадан кийим-кечак тайёрлаб, элни таъминлашдан иборат.

Корхона замонавий талаблар даражасида ускуналанди. Ҳиссадорлик жамоасига айлантирилди. Жамоа бош директори И. Қалмуродов қуйидагича ҳикоя қилади:

— Хом ашё дастлаб пахта заводига қабул қилинади. Қайта ишланади. Ажратиб олинган тола ип йигирув фабрикасига узатилади. Ипдардан газлама тўқилади. Тайёр газлама бўяш жараёнини бошдан кечиради. Сўнг газлама кийим тикиш фабрикасига йўналтирилади. Қисқаси, корхона эркаклар ва хотин-қизлар кийимкечакларидан йилига 6 миллион дона ишлаб чиқариш қувватига эга. Фахр билан айта оламизки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг кийимлар жаҳон енгил саноати тизими меъёрига тўла мос келади.

Бош директор ҳақ гапни айтди. Нукусда ҳақиқатан ҳам енгил саноатнинг улкан замонавий корхонаси бунёд этилди. Корхона жамоаси мустақиллигимизнинг шонли уч йиллигини маҳсулот турларини кўпайтириш, кийим-кечак ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан кутиб оляпти. Бош директор ўринбосари, ЎзХДП бошланғич ташкилоти котиби Нурилла Абдуллаев тўқимачилар баланд руҳ билан меҳнат қилишаётганини таъкидлади. Корхона ҳам маҳсулот ишлаб чиқармоқда, ҳам ўз қувватини муттасил ошириб бормоқда. Газламага гул босиш цехида янги машиналар ўрнатишга ҳозирлик кўриляпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АМАЛИЙ ИШЛАР ФУРСАТИ

Партиямиз ташкил топганидан бери сафимизга қарийб 2 мингга яқин янги аъзони қабул қилдик. Ҳозир туманда партия аъзолари сони 3350 нафардан, бошланғич партия ташкилотлари сони 100 тадан ошди. Улар ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида хизмат қилишмоқда.

Туман партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари бу вақт мобайнида ҳокимликлар ва маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича кўпгина ишларни амалга оширишди. Фақат ўтган йилнинг ўзида кам таъминланган оилалар ва етим болалардан 150 нафарининг «хатна тўйи», 30 нафарининг никоҳ тўйлари «Саховат» жамғармаси ҳисобидан ўтказилди. Туман кенгаши ижроия бюроси, ҳокимлик раҳбарлари байрам кунларида касалхоналар, ногирон болалар уйларидан, етим-есирлар, ёлғиз қариялар, муҳтож оилалар ва узоқ даштдаги чўпонлар ҳолидан доимо хабар олиб турадилар. Кейинги вақтда бу одат тусига кирди. Жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотларда ҳам бундай ишлар амалга оширилмоқда. Биргина «Шўрахон» жамоа хўжалигида партия ташкилоти ташаббуси билан ҳар бир хўжалик аъзосига 30, тўй қилувчиларга эса 50 килограммдан гуруч арзон баҳода берилди. Шунингдек, 37 бош қорамол, 171 тонна кунжара, 29 тонна ўсимлик мойи жамоа аҳлига арзон баҳоларда сотилди.

Партия аъзолари ва фаоллар муомалага киритилган миллий валютамизнинг қадрини ошириш, бозорни, ундаги нархнавони тартибга келтириш ишларида ҳам фаол қатнашяптилар. Ҳокимликлар вакиллари, ички ишлар ходимлари, солиқ инспекциялари ва маҳаллий матбуот ходимлари билан биргаликда рейдлар уюштирилиб, олибсотар, чайқовчилар фош этилди. 2 июль куни ўтказилган биргина шундай қўшма рейд давомида олибсотарлардан 18 нафари бозорда қўлга олиниб, жарима солинди ва молларини давлат фойдасига мусодара қилинди.

Туман кенгаши бюросида Президент фармонларини бажариш ва уларни назорат қилиш юзасидан қатор хўжаликлар, мутасадди раҳбарлар ҳисоботлари тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Туман партия кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенеси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар тўғрисидаги қонунлар матбуотда эълон қилиниши биланоқ уларни кенг аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини бошлаб юборди. Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ўқуви ташкил этилди, сайловчилар билан ишлаш учун ташвиқотчилар гуруҳлари тайёрланмоқда. Энг муҳими, халқ ўртасида катта обрўга эга бўлган партия аъзоларимизни аниқлаб, улардан энг муносибларини депутатликка номзод қилиб кўрсатиш, партиявий рўйхатга киритишга муваффақ бўлишдир. Тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида маҳаллаларда 5 та, қишлоқларда 20 та, жами 25 та ҳудудий партия ташкилоти тузилди. Уларнинг жойларда аҳолига Президент ҳамда ҳукуматимизнинг фармон ва қарорларини атрофлича тушунтириш, осойишталикни таъминлашда аҳамияти катта бўлмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш мақсадида туман партия ташкилотларида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масалаларга эътибор кескин ортди. Ҳозиргача 20 та бошланғич партия ташкилоти ана шундай масалаларни назоратга олишди. Чунончи, «Ўллубоғ» жамоа хўжалиги партия ташкилоти атроф-муҳитни кўкламзорлаштириш, теракзорлар барпо қилиш, «Намуна» жамоа хўжалиги ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз қариялар, беваларни оталиққа олиш, Ё. Эломонов жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти қишлоқни тўла газлаштириш ва бу ишларга кўмаклашишни ўз зиммаларига олишган.

Туман партия кенгаши пленуми ҳамда ижроия бюроси қарорларига асосан «Халқ таълими ва ёшлар тарбияси» масаласига эътибор кучайтирилди. «Анор» республика телевизион танловига иқтидорларни саралаш мақсадида Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ва маданият уйлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган кўрик-танлов ниҳоясига етай деб қолди.

Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб-ташвиқ қилиш юзасидан қўшма мажлислар ўтказиб, вазифалар белгилаб олдик. Яқинда қўшма пленум ҳам ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Тумандаги бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишга интилмоқдамиз.

Яқинда Тўрткўлда Чимбой тумани, ундан кейин эса Чимбойда Тўрткўл тумани маданият кунлари ўтказилиб, бу тадбирлар ҳам дўстлик ва қардошлик байрамига айланиб кетди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳокимликлар билан ҳамкорликда ташкилий қўмита тузилиб, тадбирлар белгиланди. Улуғ айёмни юксак ғоявий ва маданий-бадиий савияда ўтказишни таъминлаш бўйича тайёргарлик ишлари пухта олиб бориляпти. Ўйлайманки, биз ҳурриятимизнинг уч йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб оламиз.

Ёвқоч РЎЗИМБЕТОВ,
Тўрткўл тумани партия кенгаши биринчи котиби.

ҲАР ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ БИР ЎЗБЕГИ БОР, ҚОРАҚАЛПОҒИ БОР ҲАР БИР ЎЗБЕКНИНГ!

ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

Юртбошимиз таклифи ва бевосита иштироки билан қайта ташкил қилинган Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти мустақилликнинг илк меваларидан биридир. Жамоа аъзолари истиқлолимизнинг уч йиллигини муносиб кутиб олиш учун таълим-тарбия соҳаларида муваффақиятларга эришяптилар. Йилдан-йилга институтимизнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, талабалар ва профессор-ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Биз билимнинг ҳаддан ташқари ғоявийлаштирилган турларидан воз кечдик. Талабаларни тест синовлари орқали қабул қилиш асосий йўналишимиз бўлмоқда. Институтда бир қатор янги фанларни — Ўзбекистон жуғрофияси, Ўзбекистон халқлари тарихи, Қорақалпоғистон тарихи, ўлкашунослик, Шарқ топонимикаси ва ономастикаси, Қорақалпоғистон халқларининг дастурлари ва урф-одатлари, Марказий Осиё халқларининг адабий алоқалари ва ўзаро таъсири, эски ўзбек ёзуви, эски қорақалпоқ ёзуви, сиёсатшунослик, одобнома, экологик фан асосларини ўқита бошладик. Ёшларга билим беришнинг сифати йилдан-йилга яхшиланмоқда. Таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш мақсадида талабаларни тарбиялашнинг умумий йўналиши ишлаб чиқилди. Айниқса, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, герби, мадҳияси, суверен Қорақалпоғистон Республикасининг байроғи, герби, мадҳияси тарбиявий соатларда мураббийлар томонидан чуқур тушунтириб борилмоқда.

Бу йил 55 талаба Ангрен, Нукус, Тошкент, Қўқон шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда олимпиадаларнинг иштирокчилари ва ғолиблари бўлди. Профессор-ўқитувчиларимиз эса «Моваройнаҳр халқлари педагогикаси» дарслигини ёзиш бўйича эълон қилинган танловда Ўзбекистонда биринчи ўринни эгаллашди. Айниқса, миллий ўзлигимизни танитадиган ва ўргатадиган «Одобнома» фани бўйича биринчи дарсликнинг ёзилиши профессор-ўқитувчиларимизнинг ажойиб муваффақияти бўлди. Ҳозирги кунда бу дарслик иккинчи марта кўп нусхада босилиб чиқди. Шунингдек, у ўзбек ва қозоқ тилларига таржима қилиниб, нашр қилиниш арафасида. Бундан ташқари, «Ўзбекча-қорақалпоқча сиёсий-иқтисодий атамалар луғати»ни ҳам ёзиб тугатдик.

Бугунги кунда талабаларга, айниқса, Амир Темур, Навоий, Нақшбанд, Улуғбек, Яссавий, Бердақ, Ажиниёз ва бошқалар меросини чуқурроқ ўрганишга зарурият пайдо бўлди. Бу ўринда институтимизда ўтган ўқув йилидан бошлаб татбиқ қилинган қўшимча «Одобнома» мутахассислигининг тутган ўрни алоҳида.

Институтимизда олимларимиз олиб бораётган хўжалик шартномаси бўйича ишлар эътиборга лойиқ. Айниқса, Орол денгизининг камайиши билан унинг қуриган қисмидан қўталилаётган туз-ли қуюнни тўхтатиш мақсадида 15 миллион сўмлик ишни қўлга олдик. Шунингдек, республика ўқитувчиларининг миллий бойлигига айланган «Қорақалпоғистон муғаллими» журналининг чиқарилиши республикамиз фани ва маданияти соҳасида воқеа бўлди. Ўқитувчилар ўтган йили ўзларининг тадқиқот ишлари билан 35 миллион сўмдан ортиқ фойда кўриб бюджетдан ташқари маблағга эга бўлдилар. Бу йилги фойда эса 50-55 миллион бўлади.

Талабаларимизнинг чуқур билим олиши билан бирга уларнинг кўнгилли ва мазмунли дам олишлари учун ҳам ғамхўрлик қилмоқдамиз. Ўтган йилдан бошлаб ёзги таътил вақтида талабаларимиз «Алпомиш» лагерида дам олмоқда. Институтимизда «Тўмарис» ва «Зийўар» номли икки ансамбль мавжуд. Бозатау ва Кегейли туманлари ҳудудида ўқув-тажриба базамиз бор.

Дунё илм-фанида, маданиятида ўз ўрнига эга буюк халқимиз эндиликда туганмас миллий қадриятлардан руҳий озиқ олиб, мустаҳкам ишонч билан ўзини яна бир марта дунёга кўз-кўз қилмоқда.

Бу йилги мустақилликнинг тантанаси институтимизнинг 60 йиллик тўйига уланишида ҳам рамзий маъно бор. Мустақилликнинг тўнғич кўз очган чашма булоғи бўлди, талабаларимизнинг маънавий дунёсига чексиз оби-ҳаёт бағишлашига ишончимиз комил.

Жуманазар БОЗОРБОЕВ,
Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтининг ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон халқ депутати.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

САМАРҚАНД ШАҲРИДА 1994 ЙИЛ 24 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛКЛАР БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

«ПАНЖОБ» КАФЕСИ

Самарқанд шаҳар А. Икромов кўчасида жойлашган бир қаватли бино. Пишиқ ғиштдан қурилган, умумий майдони 240 кв. м. Савдо майдони 120 кв. м. 80 ўринли. Корхона барча зарур ускуналар билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 11 минг 581 сўм.

СИЕБ ҲОКИМИЯТИ БИНОСИ

(қурилиши, тугалланмаган)

Самарқанд шаҳридаги Чўпон ота даҳасида жойлашган. Тўрт қаватли, пишиқ ғиштли бино. Замонавий усулда қурилиш бошланган, асосий бино қурилган, ёрдамчи биноларнинг бир қисми қурилиши тугалланмаган ва безатилмаган.

Умумий майдони 5,1 га.

Бошланғич баҳоси — 65 минг 900 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН НОВВОЙХОНА

Қўшработ туманида жойлашган новвойхона 4 хонадан иборат, пишиқ ғишт ва харсангтошлардан қурилган. Томи бетон плиталардан иборат.

Майдони 0,1 га.

Бошланғич баҳоси — 7 минг сўм.

РЕСТОРАН ЧОЙХОНАСИ БИЛАН

Нуробод туманидаги ресторан йўл ёқасида, «Нурбулоқ» санаторийси ёнида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 6 минг 807 сўм.

1-ҲАММОМ

Каттақўрғон туманидаги Пайшанба посёлкасида жойлашган. Алоҳида жойлашган иншоот 25 ўринга мўлжалланган.

Бошланғич баҳоси — 5 минг 200 сўм.

«СОРБОЗОР» ДЕҲҚОН БОЗОРИ

Бозор Иштихон тумани марказида жойлашган. Умумий майдони 604 кв. м. шундан савдо майдонини 495 кв. м. 60 ўринга мўлжалланган. Бино усти ёпилган.

Бошланғич баҳоси —100 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ОТАХОНЛАР ЧОЙХОНАСИ

Ғўзалкент туманида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 276 минг 280 сўм.

АВТОБУС БЕКАТИ САВДО НУҚТАСИ БИЛАН

(қурилиши тугалланмаган)

Ғўзалкент туманида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 40 минг 533 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ҲАММОМ

Самарқанд шаҳар Андижон кўчасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 300 минг сўм.

Маълумотлар учун Самарқанддаги телефон: 31-23-99.

БУХОРО ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАРНИ

20 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КИМ ОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«ПОНЧИКОВАЯ» ҚАҲВАХОНАСИ БИНОСИ.

Бухоро шаҳрида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган бино, қаҳвахона барча зарур нарсалар билан жиҳозланган.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ СОБИҚ БИНОСИ.

(Ҳозир ишламайди).

Эски шаҳарнинг марказида жойлашган. 2 қаватли, ғишт-каркасли иншоот. Майдони 257 кв. м. бўлган ертўласи ва майдони 121,7 кв. м. бўлган ички ҳовлиси бор.

Бошланғич баҳоси — 70 минг сўм.

55-«ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ» ДЎКОНИ БИНОСИ.

Бухоро шаҳрининг эски қисми, бозор ёнида, аҳоли гавжум туманда жойлашган. Бино — бир қаватли, омборхоналарга эга. Умумий майдони 250 кв. м., фойдали майдони — 160 кв. м.

Бошланғич баҳоси — 70 минг сўм.

ПАВИЛЬОН (5-ДЎКОН ФИЛИАЛИ)

Когон шаҳрида жойлашган. Бино бир қаватли, каркасли.

Бошланғич баҳоси — 5 минг сўм.

САВДО МАРКАЗИ

Пешқу туман марказининг Ўзбекистон кўчасида жойлашган. Фойдали майдони 0,7 га. Мажмуада 80 ўринли ишлаётган қаҳвахона, мебель, озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари, омборхоналар, бошқа ёрдамчи хўжаликлар ва хўжалик объектлари мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 500 минг сўм.



«ВЕТЕРОК» ПАВИЛЬОНИ.

Когон шаҳрининг Бобур турар жой мавзесида жойлашган. Бир қаватли, каркасли, витринаси ойнали бино. Павильонни кенгайтириш учун майдони 30×30 метрли ҳудуд бор, фойдали майдони — 42 кв. м.

Бошланғич баҳоси — 3,5 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ОШХОНА БИНОСИ

Ғиждувон шаҳрида жойлашган. Алоҳида жойлашган бир қаватли бино. 75 ўринга мўлжалланган. Пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 90 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «ЧОЙХОНА» БИНОСИ

Ғиждувон шаҳрида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган, алоҳида жойлашган 1 қаватли бино. 50 ўринга мўлжалланган.

Бошланғич баҳоси — 70 минг сўм.

«ҲАММОМ» БИНОСИ.

Пешқу туманининг марказида жойлашган. 1994 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 60 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН КОНСЕРВА ЗАВОДИ БИНОСИ

Пешқу тумани маркази яқинидаги Ибн Сино жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 1,5 га. Фойдали майдони — 0,85 га.

Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

«ҲАММОМ» БИНОСИ

Пешқу туманидаги «Афшона» қишлоғида жойлашган 1991 йилда фойдаланишга топширилган. Пишиқ ғиштдан қурилган бино. Умумий майдони 0,32 га. фойдали майдони 0,01 га.

Бино атрофида мевали боғлар мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 27 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИССИҚХОНА

Пешқу туманидаги Схунбобоев номли жамоа хўжалигида жойлашган. 1990 йилдан бошлаб қурилиш кетаяпти. Умумий майдони — 0,12 га. Фойдали майдони — 0,12 га. Деворлари пишиқ ғиштдан.

Бошланғич баҳоси — 5 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «ЧОЙХОНА» БИНОСИ

Пешқу туманидаги «Янгиобод» жамоа хўжалигида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган. Ёзги ва қишки заллари, битта ёрдамчи хўжалик хонаси бор.

Бошланғич баҳоси —10 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 30-ДЎКОН БИНОСИ

Бухоро шаҳрида, Эски шаҳар марказининг Регистон майдонидаги савдо расталарида, сайёҳлик йўналиши ўтган деҳқон бозори, X-XVIII аср меъморчилиги ёдгорликлари ёнида жойлашган. «Регистон» уюшмаси бошланғич баҳо маблағлари ҳисобига қурилишни тугаллашга ва 1994 йилнинг 1 сентябрида дўконни очишга кафолат беради. Смета бўйича дўкон олдида фавворалар ва ободончилик ишлари кўзда тутилган.

Бошланғич баҳоси — 25 минг сўм.



2-ҲАММОМ

Жондор туманининг туман марказида жойлашган. Ишлайди. 1972 йилда ишга туширилган. Пишиқ ғиштдан қурилган. Қозонхона газда ишлайди.

Бошланғич баҳоси — 8 минг сўм.

1-ҲАММОМ

Жондор туманининг туман марказида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. Ҳовлиси, ёрдамчи хоналари бор.

Бошланғич баҳоси — 9 минг сўм.

ҲАММОМ

Ромитан туманининг аҳоли гавжум бўлган туман марказида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. Ҳовлиси, ёрдамчи хоналари бор.

Бошланғич баҳоси — 7,5 минг сўм.

ҲАММОМ

Шофирқон туманининг туман марказида жойлашган. 1990 йили ишга туширилган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. Ёрдамчи хоналар мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 200 минг сўм.

ҲАММОМ

Қоракўл туманининг туман марказида жойлашган. 1974 йилда ишга туширилган. Бино пишиқ ғиштдан қурилган. Ёрдамчи хоналар мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН ИНШООТЛАРДАН ТАШҚАРИ КИМ ОШДИ САВДОСИДА СОТУВГА:

— Бухоро шаҳридаги қурилиши тугалланмаган вилоят пиллахонаси биноси;

— Бухоро шаҳар Коммунистик кўчасидаги деҳқон бозорида жойлашган қатор дўконлар қўйилади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 8(36522) 3-73-46; 4-32-42, 3-66-41.

• Атама ва тушунчалар

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

БОЗОРНИНГ ТАРТИБГА ТУШИРИЛИШИ — жамият номидан давлат амалга оширадиган тадбирлар ва иқтисодий дастаклар ёрдамида бозорга фаол таъсир этиш, унинг маълум мақсад йўлида амал қилишига эришув. Бозорни тартибга тушириш воситалари туркумига давлат дастурлари, нархларнинг юқори чегарасини белгилаш, корхоналар барқарорлигини таъминлаш, нархларнинг ошиб кетишидан келган фойдани солиқлар орқали бюджетга олиш, бозорга товарни чиқариш ёки чиқармай туришни таъминлаш учун товар ишлаб чиқарувчиларга давлат ҳисобидан субсидиялар бериш ва бошқалар киради.

БРОКЕР — (инглизча) маклер — фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган шахс ёки фирма. Улар фонд ва товар биржаларида, валюта, суғурта ва фрахт бозорларида сотувчилар ҳамда харидорлар (мижозлар) ўртасида олди-сотди қилишга ёрдам беради.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ — корхона фаолиятининг пул ҳисобидаги кўрсаткичи тизими. Ҳисобот санасида маблағларнинг сарфланиши, манбаи ва мақсадини таърифловчи жамловчи жадвалда акс эттирилади. Икки қисмдан иборат: чап томони актив, ўнг томони пассив. Актив ва пассив натижалари тенг бўлиши керак. Бухгалтерия баланси — республикамиздаги ҳар қандай корхона бухгалтерия ҳисоботи учун энг муҳим шаклларидан бири.

БЮДЖЕТ — (инглизча халта) — давлатнинг маълум муддатга мўлжаллаб тузилган ва қонун билан тасдиқланган даромадлари ҳамда харажатлари ҳисоби бандлар бўйича тақсимланган ҳужжат. Аксарият ҳолларда давлат, шаҳар, корхона, муассаса ёки бир оиланинг муайян муддатда кутиладиган даромадлари ва харажатларининг тахминий ҳисоби ҳам бюджет деб юритилади. Харажат қисми даромад қисмидан ортиқ бўлса, бюджетнинг тақчиллигини билдиради. Бюджет даромадининг харажатдан устунлиги ижобий қолдиқни ҳосил қилади.

ВАЛЮТА—(итальянча, қадрланмоқ, қиймат — 1. мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз); 2. чет давлатларнинг пул белгилари ва чет мамлакат пул бирликларида ифода этилган ҳамда халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган муомала ва тўлов, кредит воситалари (векселлар, чеклар, ЭКЮ ва бошқалар). Валюталар эркин алмаштириладиган (эркин юрадиган) — ҳар қандай чет эл валютасига чекланмаган миқдорда алмаштирилади, ҳар қандай мамлакатга эркин ўтказилади, қисман алмаштириладиган — валюта алмашуви у ёки бу эгалар, у ёки бу валюта ҳаракатлари билан чегараланади, алмаштирилмайдиган (берк) валюта — бир мамлакат доирасида амал қиладиган турларга бўлинади. Халқаро тўлов муомаласи эркин алмаштириладиган ёки Халқаро валюта фонди белгилаган курс бўйича эркин алмаштириладиган валюта билан бажарилади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ

23 АВГУСТДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛКЛАР БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Пахтакор туманидаги меҳмонхона. Пахтакор шаҳри марказида жойлашган. Ғиштдан қурилган, 2 қаватли. Атрофи мармар сувоқ қилинган, 50 ўринли ошхона, буфет, сартарошхонаси мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 58 минг сўм.

2. Жиззах шаҳрининг Паркент кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган шахсий уй. Уйнинг деворлари тош ва ғиштдан ишланган. Қурилган хона 8 та бўлиб, меҳмонхона, ошхона ва ертўлага эга. Уйнинг устки қисми ёпилмаган, сувоқ ишлари бажарилмаган.

Бошланғич баҳоси — 150 минг сўм.

3. Зафаробод туманидаги Алексеевский номли хўжаликда жойлашган маиший хизмат кўрсатиш биноси. 2 қаватли, 1974 йилда қурилган.

Бошланғич баҳоси — 22 минг сўм.

4. Ғаллаорол туманидаги савдо маркази. Амир Темур номли ширкатлар уюшмасининг 4-бўлимида жойлашган. 1992 йилда қурилган.

Бошланғич баҳоси — 10 минг сўм.

5. Пахтакор туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигидаги ресторан. Ширкат хўжалигидан ўтган темирйўл ёнида жойлашган. 2 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 1-қаватида ошхона ва савдо дўкони, 2-қаватида ошхона зали ва буфет бор.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

6. Бахмал тумани маркази — Ўсматдаги меҳмонхона. 1982 йилда қурилган, 25 ўринли бўлиб, 11 хонадан иборат. Сув, газ билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 69,2 минг сўм.

7. Арнасой тумани марказидаги қурилиши тугалланмаган 12 хонали бино. 1992 йилда қурила бошлаган, эгаллаган умумий майдони 756 квадрат метр.

Бошланғич баҳоси — 6 минг сўм.

8. Фориш меҳмонхонаси. Бино 2 қаватли, 1980 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, 50 ўринли. Умумий майдони 691 квадрат метр, махсус иситиш қозонхонаси, сув минораси бор.

Бошланғич баҳоси — 114 минг сўм.

9. Жиззах тумани 76-от заводининг «Равот» қишлоғидаги ошхона. Мазкур савдо шохобчаси ҳар томонлама талабга жавоб берадиган даражада қурилган, савдо зали ва омборхонаси мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 13 минг сўм.

10. Жиззах тумани, Бобур номли жамоа хўжалигидаги ресторан. Ресторан Тошкент — Жиззах шаҳарлари ўртасидаги Катта автомобиль трассаси ёқасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 51 минг сўм.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шох кўчаси, 39-уй, телефон 3-30-18. Жиззах вилояти касаба уюшмаси кўмитаси биноси (вилоят кўчмас мулк биржаси).

Ким ошди савдоси 1994 йил 23 август куни Жиззах шаҳар шартнома савдо биносининг Мажлислар залида бўлади.

• Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар!

ТОШКЕНТ «КОКА-КОЛА»СИ

Шарқ дарвозаси бўлмиш мамлакатимиз пойтахти — Тошкентдек шаҳри азимда 500 дан зиёд қўшма корхона рўйхатга олинган. Улар орасида ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб, жаҳон бозорига чиқишни кўзлаб ишлаётганлар талайгина. «Кока-кола» ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонаси шулар сирасига киради.

Жаҳонга машҳур «Кока-кола» компаниясининг чанқовбосди маҳсулотлари эндиликда Америка қитъасидан келтирилмай, балки Тошкентда ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхонанинг очилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, қўшма корхона яхши натижаларга эришди. Хўш, бунинг боиси нимада?

— Ишни тўғри ташкил этиш, қаттиқ меҳнат интизоми — муваффақият калити, — деб жавоб қилди корхона иш бошқарувчиси (менежер) Абдували Асилов.

Ҳақ гап, агар корхонадаги иш мароми билан яқиндан танишсангиз, унинг амалий исботини кўрасиз. Цехлар ёруғ ва озода, линиялар бир маромда ишлаяпти. Иш жойлари саранжом-саришта. Ҳар бир хизматчи ўз вазифасини пухта, сифатли бажармоқда.

Дарвоқе, ишчи ва хизматчиларнинг эгнидаги «Кока-Кола» рамзи туширилган бир хилдаги коржомалар киши диққатини жалб қилади. Бу ҳам ўзига хос ишлаб чиқариш маданияти. Юксак технология кўмагида тайёрланаётган ичимликлар линиялар орқали тайёр маҳсулотлар омборхонасига пешма-пеш келиб тушяпти.

Корхона цехларидаги Италиянинг машҳур «Симонаци» фирмаси линияларида соатига 15 минг дона шиша ичимлик ишлаб чиқариляпти.

Қўшма корхона жамоаси турли миллатга мансуб 124 кишидан иборат. Иш бир сменада ташкил этилган. Иш ҳақлари ҳам чакки эмас. Ўртача ойлик маош 500—700 сўмни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг охиригача 1 миллион декалитр «Кока-Кола» ичимлигини етказиб бериш мўлжалланган. Ҳозирга қадар ана шу режанинг тенг ярми, яъни 500 минг декалитр яхна ичимлик ишлаб чиқарилди. Келгусида корхона қуввати аста-секин ошиб бориб, уч сменали ишга ўтилади.

1996—1997 йилларга бориб ишлаб чиқариш қуввати йилига 5 минг декалитрга етади. Бу эса наинки республикамиз ички бозорини тўлдириш, балки жаҳон бозорига бемалол чиқиш имконини беради.

Корхонага хом ашё ўз вақтида келтирилишига эришилмоқда. Масалан, шакар Олмониядан, ичимлик концентрати АҚШдан, қопқоқ Италиядан, шиша идишлар ҳамда полиэтилен қутилар Туркиядан жўнатиб турилибди. Умуман, корхонани узлуксиз хом ашё билан таъминлаш масаласида узилишларга йўл қўйилмаётгани айни муддао.



Қўшма корхона ҳозир ўз хизмат кўрсатиш майдонини янада кенгайтирмоқда. Чунончи яқинда пойтахтнинг «Самарқанд» автобекати ёнида унинг яна бир ихтисослашган дўкон-қаҳвахонаси очилди. Бу хизмат кўрсатиш нуқтаси бирваракайига 100 нафар кишига хизмат кўрсата олади. Шунингдек, «Фарҳод» деҳқон бозори ҳудудида ҳам худди шундай махсус дўкон очилиш арафасида турибди.

— Бизнинг асосий муаммоларимиздан бири — банкдаги ҳисоб рақамларимизга пулнинг ўз вақтида келиб тушмаётганлиги, — дейди корхона бош директорининг ўринбосари Шукрулла Исмоилов.— Тўғри, савдо ташкилотлари маҳсулотларимиз учун пул ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов қайдномаларини вақтида кўрсатмоқдалар. Аммо «Ўзсаноатқурилиш банки»нинг Тошкент шаҳар бўлими ходимлари масъулиятсизлиги оқибатида ана шу пуллар ҳисоб рақамимизга келиб тушмаяпти. Масалан, савдо ташкилотлари томонидан ўтган 4 ой мобайнида корхона ҳисоб рақамига 16 миллиард сўм-купон ўтказилди. Лекин шундан 6 миллиард сўм-купон келиб тушган, холос. Ҳолбуки, пул 3—5 кун муддат ичида етиб келиши лозим эди. Ушбу муаммо банк раҳбарияти томонидан тезда бартараф этилади, деган умиддамиз.

Сергўёш диёримиз ҳар бир хонадони дастурхонида «Кока-кола» ичимлиги бўлишини таъминлаш ниятида самарали меҳнат қилаётган корхона ишчи ва хизматчилари шу кунларда республикамиз мустақиллигининг 3 йиллигини муносиб кутиб олишга чоғланганлар.

Хуллас, ушбу корхонанинг келажаги учун қўйилган пойдевор мустаҳкам ва ишончли. Ҳадемай, иқлими иссиқ ўлкамиз аҳолисининг салқин ичимликларга бўлган талаб-эҳтиёжи бекамукўст қондирилишига эса шак-шубҳа йўқ.

Алишер РЎЗИЕВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА:
Қўшма корхонанинг иш бошқарувчиси Абдували Асилов ҳамда технолог муҳандиси Доно Исломхўжаева эртанги иш режасини тузмоқдалар.

Шаҳримиздаги «Кока-кола» ичимлиги билан савдо қиладиган янги махсус савдо дўкон-қаҳвахонаси.

Козим УЛМАСОВ олган суратлар.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

• *Тўйхат ўрнида*

РЎЗИ ЧОРИЕВНИНГ ОЛТМИШ УЧ ЁШИ

Рўзи Чориев бу табаррук ёшга етгунига қадар кўпгина иш қилиб қўйган. Бу ишларни бирма-бир санаб ўтиришнинг иложи йўқ, шунинг учун уларни жам қилиб айтадиган бўлсак, бутун Ўзбекистон Рўзи Чориевнинг устахонасига жой бўлган.

Бугунги табаррук кунда Рўзи Чориевнинг яхшигина уйи, кўча-ҳовлиси, бир рассом ишласа, бутун оламни жо қилса бўладиган устахонаси бор.

Рўзи Чориевнинг ишларини томоша қилиб, улардаги Ўзбекистон манзараси, Ўзбекистон табиати, Ўзбекистон феъл-атворини («феъл-атвори»ни ўқиб, муаллиф хатога йўл қўяяпти, дейишга шошилманг, Рўзи аканинг қаҳрамонлари ҳам Ўзбекистон-да!) кўриб, бир нарсага ҳайрон қоламан. Болалиги, бутун ёшлиги она диёрда эмас, бошқа заминда ўтган, бутунлай бошқа муҳитда тарбия топган рассом ўзбек тупроғини, ўзбек сиймосини, ўзбек юрагини қандай қилиб бу қадар аниқ тасвирлай олар экан? Бу қадрдон, азиз нарсалар, бу муқаддас туйғу аслида киши вужуди, шуурига йиллар давомида, муҳит унсурлари, мисоллар, намуналар орқали сингдирилади-ку? Бу ранглар, бу тасвирларни киши қачонлардир кўрган, улар онг, шуурига ўрнашиб қолган бўлиши, улғайганида қайта жонланиб, уни бир томонга бошлаши табиий ҳол, албатта. Бироқ, Рўзи Чориев бундай имкониятдан маҳрум бўлган.

Хўш, унда бу ҳодиса қандай рўй берди, деган савол туғилади. Бу саволга ҳар доим: «Рўзи Чориев — худо берган одам!» деб жавоб бермоқ даркор, деб ўйлайман.

Рўзи Чориевнинг кишини ҳайрон қолдирадиган жиҳатлари кўп. У асли «Бу дунёнинг одами» эмас. Яъни, гоҳ-гоҳида катта пул топади, бироқ бу пулни расамади билан сарфлаб, батартиб яшашни билмайди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида, яъни бошқа одам Рўзи Чориев топган пулни топганида, ҳашаматли қасрлар қуриб ташлаган, янги хорижий машинада юрган, эҳтимолки, сизу биэни писанд қилиб, гаплашиб ҳам ўтирмаган бўларди. Рўзи ака эса, бор санъатинигина эмас, бор давлатини ҳам халқига, дўстларига сарфлаган, шунинг учун ҳам ҳар қандай даврада энг суюкли, энг азиз инсон сифатида қадрланади, эъзозланади.

Рўзи ака доимо кулиб юради, кулгиси, кайфиятини суҳбатдошига ҳам юқтиради. Унинг ҳар бир асаридан бир олам таассурот олсангиз, ўзи билан учрашиб, жиндай суҳбат қурганингизда эса, руҳингиз тоза, кайфингиз чоғ, гўё поклангандай бўласиз.

Рўзи ака кулиб юради, бироқ бу ҳол унинг дарду ғами, ташвиши йўқ, деган маъноси англатмайди, алмбатта. Акс ҳолда у бу қадар улкан санъаткор бўлмаган бўларди. Унинг ҳаёт, санъат кишиларнинг, хусусан ёшларнинг, шунингдек, мутасаддиларнинг санъатга, унинг тараққиётига муносабати, ёш авлод тақдири борасида бир санъаткор инсонга етиб ортадиган ташвишли ўйлари бор. Бироқ, у ташвишларини сизнинг елкангизга ортиб қўймайди. Сизнинг дардингизни олса оладики, ўзининг дардини бермайди...

...Хуллас, Рўзи Чориев тўғрисида гапираман деган одамга гап кўп. Шунинг учун, мухтасар қилиб, атоқли санъаткоримиз, фахримиз бўлмиш Рўзи акани табаррук ёшлари билан қутлаб, у кишига янада узоқ умр, янги-янги ижодий парвозлар тиласак. Чоққина устахоналарида бутун Ўзбекистон жо бўлган экан, жаҳон ҳам жо бўлсин. Чоққина устахоналарида Ўзбекистонимизнинг фахри ҳисобланган манзараларимиз, меҳнаткашларимиз, атоқли санъаткорларимиз қанот пайдо қилиб, олам узра кезиб юрган экан, улар янада кўпайсин!

Машраб БОБОЕВ.

Суратни Рустам Шагаев олган.

• *Ҳодиса мулоҳазага чорлайди*

ЎСМИР НЕГА ЖИНОЯТ ҚИЛАДИ?

Дарҳақиқат, ҳали она сутининг таъми оғзидан кетиб улгурмаган бола нега жиноятга қўл урди? Шўҳликми ё бебошликданми?

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Ориф билан Назира қирқни қоралаб қолишган. Беш болалик. Бироқ турмушдан ёлчишмади. Назира-ку туғуруқхонада фаррош бўлиб ишлайди. Аммо Ориф бирорта ишнинг этагидан тутмади. Бунинг устига ичкиликка ружу қўйди. Кайфи ошган кунлари болаларини ҳақорат қилди. Ҳатто уларни ҳайдаб чиқарди.

Хуллас, кўчада қолган 16 ёшли Ўткир ва 14 ёшли укаси Нодир маҳалласидаги Неъмат Маматов қураётган чала уй ертўласида яшаб туришди.

Уй-жойи, ота-онаси бўлатуриб, бировнинг ташландиқ ертўласида яшаб келган болаларнинг кўнглидан нималар кечиши-ю, кўлидан нималар келишини тасаввур қилиб кўринг. Хуллас, акаука тунда ўғриликка қўл уришди. Оқибатда суд Ўткирнинг оилавий шароитини ҳамда қилмишидан пушаймонлигини ҳисобга олиб, уни 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 43-моддасига кўра ҳукмни шартли равишда ижро қилмасликка қарор қилди. Ўткир Абдуллаевга ўзини ўнглаб олиши учун икки йил синов муддати берилди.

14 ёшли Нодирнинг иши эса вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига ўтказилди. Болакай ўтган йили ҳам касалхонадан пальто ўғирлаб чиқаётганда қўлга тушиб шу комиссияда муҳокама бўлган экан.

Каттақўрғон туманининг Пайшанба қўрғонидаги Чархий кўчасида яшовчи бу оила шу тариқа элга ёмонотлиқ бўлди. Ҳаммасидан ҳам ажабланарлиси, уларнинг ҳатти-ҳаракатларига жамоатчиликнинг баҳоси хилма-хиллиғида.

«Нодирнинг ўзлаштириши паст, кейинги пайтда мактабга келмай қўйди. Ота-онаси билан бир неча бор гаплашдик, фойдаси бўлмади.

Мактаб директори Э. Қувватов,

Синф раҳбари П. Нарзуллаев».

«Ориф Абдуллаевнинг аҳоли ўртасидаги тутган ўрни яхши, камтарин, ёмон болаларга ўхшамайди.

Бобур маҳалла қўмитаси оқсоқоли А. Баҳромов».

Нима учундир оқсоқол Орифнинг ишламаслиги ва «баъзан» спиртли ичимлик истеъмол қилиб туришини айтишни мутлақо унутиб қўйган. Инқирозу фожеаларнинг томир отиши айнан ана шундай андиша ва юзхотир оқибати эмасмикин?!

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик.

1978 йилда туғилган Боғир Соҳибовнинг тақдири бу ака-укаларникидан сира қолишмайди. Отаси судлангач, ўтай онаси қўлида қолмай, бобоси Қаҳҳор ака билан яшайди. Назорат, эътибор йўқлигидан фойдаланиб, қинғир ишларга қўл урди. «Ўзингдан чиққан балога қайга борасан давога» деб бежиз айтишмаган. Боғир узоққа бормасдан ўз амакиси Рустам Соҳибовнинг уйига «тушди», дастлаб тилла тақинчоқларни ўмарди. Бир ҳафта ўтгач, ўша ердан магнитофон, норка телпак, телефон аппарати, этик, куйлак ва бошқа нарсаларни ўғирлаб чиқди. У ҳатто ўз отасининг уйидан автошина, бобосининг тилладан қилинган тиш қолипларини ўғирлашга ҳам журъат этди. Ана сизга тарбиясизлик оқибати!

Айримлар болаларни ёмон йўлдан қайтариш ўрнига, уларни жиноятга етакламоқдалар. Масалан, Жаббор Маҳмудов ўғли Жамшидни дўконда савдо қилишга ўргатди. Бироқ Жамшид харидор ҳақига ҳиёнат қилиб, судланди. Бунга ким айбдор?

Каттақўрғон туманидаги Маъди Султонов номли хўжаликда яшовчи Санақул Исматов 15 ёшли Отабек Тошевни йўлдан уриб, уни сигир ўғирлашга ундайди. Ургутлик Тоштемиров деган шахс 15 ёшли Суннат Маматқулов билан катта миқдорда тамаки ўғирлаб кетаётганда қўлга тушди. Шу тумандаги 50-мактаб ўқувчиси Ботир Қаршиев наша сотгани учун 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўсмирлар нега жиноят қиладилар? Бизнингча, юқоридаги воқеалар хусусида жиддий мулоҳаза юритсак, бу саволимизнинг жавобига анча ойдинлик киритган бўламиз.

Қурбон НУРМАТОВ,
Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари.
Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Спорт*

ХАЛҚАРО МАЙДОН САРИ

Мустақил Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш, оммавийлигига эришиш йўлида собит қадам ташланмоқда. Футбол уюшмамизни ФИФАга аъзо бўлиши, «Нефтчи» жамоасининг Осиё чемпионлари кубоги учун саралаш мусобақасида ғалаба қозониши ҳам шундан нишона.

Мамлакатнинг икки марта чемпиони — «Нефтчи» футболчиларининг Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсдаги муваффақияти мухлисларни беҳад қувонтирди. Умуман, нефтчилар мамлакат, Ўрта Осиё, ҳатто Осиёда кучли жамоалардан бири деб эътироф этилмоқда. Бу жамоа шу йил баҳорда МДҲ чемпионлари кубоги учун мусобақада ўзини кўрсатган эди. Республика миллий чемпионатида ҳам ажойиб натижаларга эришиб, ишқибозларни мамнун этиб келмоқда.

Фарғонада ўтказилган Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсда эришилган ютуқ эса футболимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Нефтчилар Бишкекнинг «Олга» (9:0), Павлодарнинг «Ансат» (3:0), Ашгабаднинг «Копитдоғ» (2:1) ва Душанбенинг «Ситора» (2:0) жамоалари билан ўйинда жами саккиз очко тўплаб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Энди фарғоналик футболчилар Эрон гуруҳи ғолиби билан учрашади. Ана шу ўйинда ҳам футболчиларимиз устун келсалар, Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсининг ҳал қилувчи ўйинларига йўлланма оладилар.

• *Муҳаммад Раҳимхон Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан*

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ РАҲНАМОСИ

Илгари хабар қилганимиздек, ўзбек миллий маданияти ривожига катта ҳисса қўшган шоир ва бастакор, атоқли давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон Феруз таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди. Шу муносабат билан Феруз ватани Хоразмда ҳам ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Юбилейга тайёргарлик кўриш махсус ишчи гуруҳи тузилди. Хоразм вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Йўлдош Юсупов билан суҳбатимиз шу ҳақда борди.

— Муҳаммад Раҳимхон соний таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш юзасидан тайёргарликнинг ва уни ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бу улуғ инсон нафақат машҳур шоир, аллома, истеъдодли бастакор, балки 47 йил хонлик тахтида ўтириб Хоразмдек катта мамлакатни бошқарган етук давлат арбоби ҳамдир. Шунинг учун ушбу санага ҳозирлик кўришда Ўзбекистондаги, шу жумладан, вилоятимиздаги адабиёт ва санъат аҳлигина эмас, тарихчи олимларимиз, таниқли давлат арбобларимиз, ноширларимиз ҳам бош қўшиб, биргаликда иш бошлаб юборишди.

Ноширларимиз, дедим. Чунки Муҳаммад Раҳимхон Феруз Туркистонда биринчи бўлиб 1874 йилда Хивада тошбосма ишга туширилиб, нодир қўлёзмаларнинг сақланиб қолишида, кўпгина асарларнинг бошқа тилларидан ўзбек тилига таржима қилиб, чоп этилишида ўз салмоқли ҳиссасини қўшган маданият ва адабиёт жонкуяридир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Хоразм халқи қаётининг оғир бир фожиали кунлари, унинг чор Россиясига қарам бўлиш воқеаси Муҳаммад Раҳимхон соний хонлик қилган даврга тўғри келади.

Босқинчиларга қарши курашиб, бу ҳаракатнинг бефойда эканлигини англаган хон бошқа йўлга ўтади. Руси билан алоқани тўғри йўлга қўйиш, халқнинг тинчлигини сақлаш, иложи борича аждодлар қолдирган маданий меросни авайлаш чора-тадбирларини кўради. Авом иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида давлатчилик тизилмаларини ислоҳ қилади. Шоиру созанда, олиму умароларни ўз атрофига тўплаб, адабиёт ва санъат ривожига қулай шароит яратишни кўнглига тугади. Бунга маълум даражада эришади ҳам.

Феруз серқирра ижодкор сифатида бир томондан ўйноқи ғазаллари, гўзал лирикаси билан ўзбек адабиёти хазинасига муносиб улушини қўшган етук шоир бўлса, иккинчи томондан, моҳир бастакорлиги билан машҳур бўлган. Хонандалар «Феруз» қўшиғини ижро этиб, ўз санъатларини синаб кўришган. Бу анъанани Мадраҳим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Қувондиқ Искандаров, Назира Юсупова каби устоз санъаткорлар давом эттирдилар.

— **Лекин кейинги айтганингиз хонандалар ичида бу «Феруз» ашуласини баланд пардаларда меъёрига етказиб айтишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, марҳум Назира Юсупованинг ижрочилиги эл орасида афсона бўлиб кетган. «Феруз» Н. Юсупова билан кетди» деган гаплар ҳам бор.**

— Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор. Чунки бу қуйўлмас асар, халқимизнинг мумтоз дурдоналаридан бирига айланиб қолди. Иккинчидан, Назира опанинг овозига тенг келадигани, қўшиқни опа даражасида меъёрига етказиб қўйлайдиган санъаткорни топиш амри маҳол эди. Бироқ ҳозирги кунга келиб, жуда кўп иқтидорли ёшларимиз пайдо бўляптики, улар бу қўшиқларни севиб ижро этиб келишмоқда. Яъни Республика «Бодом гули» кўрик-танловининг олий мукофоти совриндори Равшан Матёқубов, шу кўрик-танловнинг 1-ўрин совриндори Гавҳар Зоирова, мақомчилар кўрик-танлови совриндори Фарҳод Давлатов, иқтидорли хонанда Дармон Эшниёзовалар шулар жумласидандир. Улар «Феруз» ашуласининг моҳир ижрочилари сифатида элга танилмоқдалар.

Ана шундай ёшларнинг етишиб чиқаётганини назарга олиб ва Ферузнинг бастакорлик қирраларини кенг тарғиб этиш мақсадида «Феруз» ашуласининг энг яхши ижрочиси» кўрик-танловини ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

— **Муҳаммад Раҳимхон соний нафақат шоиру бастакор бўлган, балки у шу касб эгаларини, истеъдодли кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Ўша даврда машҳур бўлган Матёқуб позачи, Матёқуб Харрат, Оллаберган сўта, Бобо бола, Абдушариф махсум каби созандаларнинг камол топишида унинг хизматлари катта. Хоразм мумтоз мусиқа санъатининг сақланиб қолиши ва кўплаб етук ижрочиларнинг етишиб чиқиши кўп жиҳатдан ана шу эътиборга боғлиқ бўлган.**

Бу қутлуғ анъана айни замонда қандай давом этмоқда?

— Хоразмда, айниқса, созанда-ю хонандаларга эътибор зарра бўлса-да, пасайгани йўқ деса бўлади. Вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов, ижодкорларга ҳар томонлама ёрдам беряпти. Натижада яқинда бўлиб ўтган «Торли асбоблар республика кўрик танлови»да ёш созандалар К. Мусаев ва М. Худойбергановларнинг ёш, ҳали билим юрти талабаси бўлишларига қарамасдан, мусиқа олийгоҳи талабалари билан куч синашиб, ғолиб чиққанларини фахр билан кўрсатиш мумкин.

— **Феруз шоир сифатида ҳам катта мерос қолдирган ижодкордир. Янглишмасам, унинг бир қатор ғазаллари сонний нафақат шоиру бастакор бўлган ва куйланган ва куйланмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда юбилейига қандай тадбирлар белгиланмоқда?**

— Албатта биз Ферузнинг ажойиб ғазалнавис — қўшиқчи шоирлигига урғу бериб, унинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижрочилигининг ҳам кўрик-танловини ўтказишни режалаштирдик.

— **Бу инсоннинг катта хизматларидан яна бири, унинг Хоразм мақомларининг бизгача етиб келишида қилган улкан хизматидир.**

— Албатта. У киши Комил Хоразмийга Хоразм мақомларини «ноталаштириш»ни топширар экан, ўзи бу ишга бевосита раҳбарлик қилган. Натижада Хоразмнинг ўн икки мақомидан шу давргача етиб келиб маълум бўлган олти ярим мақоми халқ мулки сифатида сақланиб қолди. Ферузнинг мақомларни асраш борасида олиб борган саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ қўшиқчилик майдонига ўша даврдаги машҳур хонандалар, мақомчиликнинг етук намояндалари Муҳаммад Амин межана, Худойберган Муҳркон, Боғбек созанда каби бир қатор санъаткорлар дадил кириб келишди. Улардан кейин ҳали эслаб ўтганларимиз М. Шерозий, Х. Болтаев, У Отажонов каби издошлар етишиб чиқди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзимат ака Жуманиёзов ўзининг ҳамкор, ҳамфикр шогирдларидан бири, Хоразм мақомчилигининг ҳақиқий жонкуяри Б. Ўринов билан биргаликда ёшларга Хоразм мақомларини ўргатишда фидойилик қилишмоқда. Улар Хоразм телерадиокомпанияси қошидаги «Мақом» ансамблини ташкил этиш ва оёққа турғазишда катта хизмат қилди. Улар бошчилигидаги ёш мақомчилар ижросидаги «Бузрук», «Рост», «Наво» ва бошқа мақомлар оҳанрабо тасмасига ёзиб олиниб, республика радиосининг «олтин фонди»га топширилди.

— **Демак, шу кунларда Феруз таваллудининг 150 йиллигига тайёргарлик айни қизиган...**

— Шундай деса бўлади. Яқинда Огаҳий номли вилоят ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри ижодий гуруҳи томонидан Комил Аваз асари — «Феруз» мусиқали драмасининг саҳналаштирилиши, А. Навоий номли Хива педбилимюртида шаҳар жамоатчилиги, Ал Хоразмий номли Урганч дорилфунуни олимлари иштирокида ўтказилган илмий оммабоп конференция юбилейга бағишланган ишлардаги дастлабки катта қадамлар бўлди. Феруз асарларидан тузилган янги концерт дастурларини тайёрлаш ниҳояланиш арафасида. Жумладан, Хива тумани маданият уйи «Феруз» мақом ансамбли жамоаси шоир ғазалларидан янги концерт дастурини тайёрлашга киришди. Бу санага бағишлаб театр-жамоа ташкилотлари (Огаҳий номли вилоят театри, вилоят қўғирчоқ театри, Комилжон Отаниёзов номли вилоят давлат филармонияси) ва бадиий ҳаваскорлик ансамбллари ўзларининг махсус концерт дастурини тайёрладилар.

Бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва яккахон ижрочилар ўртасида «Феруз асарлари энг яхши ижрочиси» вилоят кўрик-танлови шу йил ўтказилади.

Шунингдек, халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари вилоят илмий-услубият маркази ҳам вилоят кутубхоналари томонидан клуб муассасалари ва кутубхоналарида Феруз таваллудини нишонлаш бўйича ўтказиладиган тадбирларни уюштиришга ёрдам кўрсатиб бормоқда. Улар кўмагида «Ферузхонлик кечалари», оғзаки журналлар ва давра суҳбатларининг сценарийлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, вилоят мактабларида, туманларнинг кутубхоналарида «Шоҳ ва шоир», «Девони Феруз» китоблар кўргазмалари ташкил қилиняпти. «Феруз мажмуаси» ҳақида, «Шажараи хоразм—шоҳий», «Феруз шажараси — шоирлар шажараси» мавзуларида учрашув кечалари, «Султон — санъаткор» мавзуида адабий-мусиқали кечалар, баҳс оқшомлари ўтказиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда Феруз мусиқий меросини ўрганиш ва ёзиб олиш, унинг мусиқий асарларини нотага тушириш ва илмий таҳлил қилиш ҳамда нашрга тайёрлаш борасида ҳам ишлар олиб бориляпти.

— **Феруз таваллуд топган макон, унинг қадамжоларини ободонлаштириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида қисқача ахборот берсангиз?**

— Муҳаммад Раҳимхон мадрасасини, у яшаган бино — Кўҳна Аркни, Ичон—қалъа музей—қўриқхонасидаги барча бўлимларни таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратилиб, бу ишлар сентябрь ойигача ниҳоясига етказилади. Шу орада хон мадрасасида адабиёт ва санъат музейи ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Хуллас, қилинадиган ишлар кўп. Маданиятимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган шоҳ ва шоир, бастакор тўйини муносиб нишонлаш учун барча кучимизни сафарбар қилганмиз. Бу билан биз нафақат табаррук инсоннинг руҳини шод қилган бўламиз, балки аждодларимиз қолдирган қадриятларимизни эъзозлаган, авайлаган, унга бўлган чексиз меҳру-муҳаббатимизни изҳор этган бўламиз.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО суҳбатлашди.

ҲАМКАСБИМИЗ ХОТИРАСИ

Мусо Каромовнинг бир этак фарзандлари чирқиллаб қолди. Наинки фарзандлари, қариндош-уруғлари, тенгдошлари, ижодкор дўстлари ҳомуш, кўнглида мунгли ҳиссиёт ҳукмрон. Ҳаётки энди 51 ёшини яшаётган, айни кучга тўлган, журналистикада унча-мунча ҳамкасбига бўй бермайдиган дўстимиз бугун орамизда бўлмаса.

Ахир у кечагина Қарши дашти чўлқуварлари ҳаётидан очерк ёзиб, журналист дўстларини ҳурсанд этган, бошланғич партия ташкилотининг ибратли ишлари ҳақида газетада ҳикоя қилган, илғор чорвадорнинг тажрибаларини оммалаштирган, халқ депутатлари фаолиятини кўз-кўз этган мақолалари билан умумий ишимизга мадад берган эди-ку! Ҳаётки у бугун бизни, ҳамкасбларини, ҳаммани бирданига тарк этган бўлса!

Биз, қаламкаш дўстлари Қашқадарё дейилса Мусо Каромовни, Мусо Каромов дейилса Қашқадарё вилоятини тушунадиган бўлиб қолгандик. У ижодкор сифатида вилоят фаолларини ўзи ишлаётган газета таҳририяти жамоасига шунчалик сингишиб, чиқишиб, дўстлашиб кетган эдики, баъзан унинг ўта талабчанлиги, тўғри сўзни шартта айтиши, ўринли танқиддан тап тортмаслигига ҳам қўникиб кетгандик.

Мусо Каромов «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири бўлиб 16 йил ишлади. Ишлаган, ҳам тезкорлиги, долзарб масалаларни кўтариб чиқиши, малакали ёзиши, сермаҳсуллиги билан ибрат бўлди. Ўтган йили Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист деган юксак унвонга сазовор бўлган эди. Унвон нишонини ёлчитиб тақкани ҳам йўқ. Оғир дард уни ёстиққа ёнбошлатиб қўйди. Бугун эса ундан жудо бўлиб турибмиз. Бир биз эмас, Мусо Каромов журналистик фаолиятини бошлаганда, ростмана ижодкор бўлишига ёрдам берган «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетаси жамоаси ҳам ўткир журналист, камтар ва серғайрат ижодкор дўстимиз Мусо Каромовнинг у дунёси ҳам обод бўлишини Яратгандан илтижо қилиб турибмиз.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Мусо КАРОМОВнинг

оғир бетобликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» таҳририяти жамоаси газетанинг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Мусо КАРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Дори-дармон» Давлат — акционерлик ассоциацияси маъмурияти ва касаба уюшмаси «Дори — таъминоти» акционерлик жамиятининг бўлим мудири, кекса хизматчи

Самуқ ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг жамоаси «Ер тузишни лойиҳалаш» кафедрасининг доценти М. М. Азизовга отаси

Маҳкам АЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Акмал Икром савдо» акциядорлар жамиятининг жамоаси жамият раисининг муовини М. Туроповга отаси

ТУРОП ОТАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асилиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоҳосим ШОИСМОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқўғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.